Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 75 (6965). | 20 апрель, 1979 йил | Ж У М А | Баҳоси 2 тийин.

ЯШАСИН ДУНЁДА БИРИНЧИ СОЦИАЛИСТИК УМУМХАЛҚ ДАВЛАТИНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ—СОВЕТ КОНСТИТУЦИЯСИ!

ЯШАСИН СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯ!

(КПСС Марказий Комитетининг 1-Май Чақириқларидан)

ВАТАННИ ЯНАДА РАВНАҚ ТОПТИРИШ УЧУН

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

Совет қишилари ўнинчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессияси қарорларини Ватанимиз учун қонуний ифтихор ҳисларига тўлиб тошган ҳолда, коммунистик қурилишда эришилган жуда катта муваффақиятлардан руҳланиб кутиб олдилар. Ҳеч шубҳасиз бу қарорлар мамлакатимиз тарихига ривожланган социализм даврининг энг муҳим сиёсий воқеаси бўлиб киради.

Советлар мамлакати давлат ҳокимиятининг олий органи янги конституцияга мувофиқ кенг ваколатларини актив амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларга эгадир. Халқ сайлаган депутатлар — ишлаб чиқаришнинг энг яхши кишилари, фан ва маданият арбоблари, жамоатчилик намояндалари партиянинг қарорларини, социалистик халқ ҳокимияти принципларини амалга оширмоқдалар.

Совет кишилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг сессияда СССР Олий Совети Президиуми раиси этиб сайланганлигини баланд руҳ билан кутиб олдилар. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1979 йилги апрель Пленуми ва СССР Олий Совети сессиясида сўзлаган нутқларида баён этилган қоидалар ва хулосаларни тўла-тўкис маъқуллади.

СССР Олий Совети партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари, замонамизнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, тинчлик учун толмас курашчи, совет халқининг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг самимий иззат-ҳурмати ва меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган Ўртоқ Л. И. Брежневни ғоят яқдиллик билан яна СССР Олий Совети Президиуми Раиси лавозимига сайлади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев 1977 йилда Президиум Раиси лавозимига сайланиши билан СССР Олий Советининг иши сифат жиҳатидан янги характер касб этганлигини иш тажрибаси кўрсатиб турибди.

Нотиқ яна қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: ривожланган социализм шароитида СССР Олий Совети фаолиятининг мазмуни янада чуқур ва кўп қиррали бўлиб қолди. Коммунистик партиянинг сиёсатини амалга оширишда СССР Олий Советининг роли муттасил ўсиб бормоқда, унинг жамият ҳаётининг турли соҳаларига таъсири кенгайиб бормоқда.

Бизнинг партиямиз Советлар системаси ривожининг ҳамма босқичларида Советлар ишининг ташкилий формаларини, услуб, методларини ва тартибини такомиллаштиришга катта эътибор бериб келмоқда. СССР Олий Совети регламентининг тасдиқланиши бу йўлдаги муҳим қадамдир.

СССР Конституциясининг қоидалари лойиҳанинг негизидир. Конституция СССР Олий Совети ва унинг органлари структурасини, ваколатларини ва уларнинг фаолиятларини ташкил этишнинг энг муҳим жиҳатларини белгилайди. Конституциянинг Олий Совет иш тартиби тўғрисидаги қоидалари лойиҳада янада ривожлантирилди ва конкретлаштирилди.

Докладчи шуни таъкидладики, СССР Олий Совети регламентининг лойиҳаси масалаларни коллектив бўлиб, эркин, амалий муҳокама қилиш ва ҳал этиш. СССР Олий Совети тузадиган органларнинг СССР Олий Советига мунтазам ҳисоб бериб туриши, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда гражданларни кенг кўламда қатнаштириш, жамоатчилик фикрини ҳамиша ҳисобга олиб бориш асосида амалга оширилади.

Регламент лойиҳасида Президиуми, деди докладчи, СССР Олий Совети регламентининг лойиҳасини, шунингдек палаталар доимий комиссиялари ҳақидаги низомни баъзи ўзгартишлар ва қўшимчалар билан сизнинг муҳокамангизга тақдим этади. Ана шу регламент лойиҳасини қабул қилиш СССР Конституциясида кўзда тутилган.

Бошқа қонунлар билан бир қаторда бу ҳужжатлар ҳам Олий Совет ва унга қарашли органларнинг фаолияти тартибини белгилаб бериши, давлат ҳокимиятини амалга ошириш бутун механизминнинг унинг олий поғонасида аниқ ишлашини таъминлаши лозим.

Сессия арафасида 17 апрель куни, КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлди. Шу Пленумда ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади. Марказий Комитет Пленуми СССР Олий Советининг фаолияти ҳамда халқ депутатлари барча Советларининг ишини янада такомиллаштириш йўналишлари тўғрисида ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида баён этилган қоидалар ва хулосаларни тўла-тўкис маъқуллади.

СССР Олий Совети партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари, замонамизнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, тинчлик учун толмас курашчи, совет халқининг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг самимий иззат-ҳурмати ва меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган Ўртоқ Л. И. Брежневни ғоят яқдиллик билан яна СССР Олий Совети Президиуми Раиси лавозимига сайлади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев 1977 йилда Президиум Раиси лавозимига сайланиши билан СССР Олий Советининг иши сифат жиҳатидан янги характер касб этганлигини иш тажрибаси кўрсатиб турибди.

Нотиқ яна қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: ривожланган социализм шароитида СССР Олий Совети фаолиятининг мазмуни янада чуқур ва кўп қиррали бўлиб қолди. Коммунистик партиянинг сиёсатини амалга оширишда СССР Олий Советининг роли муттасил ўсиб бормоқда, унинг жамият ҳаётининг турли соҳаларига таъсири кенгайиб бормоқда.

Бизнинг партиямиз Советлар системаси ривожининг ҳамма босқичларида Советлар ишининг ташкилий формаларини, услуб, методларини ва тартибини такомиллаштиришга катта эътибор бериб келмоқда. СССР Олий Совети регламентининг тасдиқланиши бу йўлдаги муҳим қадамдир.

СССР Конституциясининг қоидалари лойиҳанинг негизидир. Конституция СССР Олий Совети ва унинг органлари структурасини, ваколатларини ва уларнинг фаолиятларини ташкил этишнинг энг муҳим жиҳатларини белгилайди. Конституциянинг Олий Совет иш тартиби тўғрисидаги қоидалари лойиҳада янада ривожлантирилди ва конкретлаштирилди.

Докладчи шуни таъкидладики, СССР Олий Совети регламентининг лойиҳаси масалаларни коллектив бўлиб, эркин, амалий муҳокама қилиш ва ҳал этиш. СССР Олий Совети тузадиган органларнинг СССР Олий Советига мунтазам ҳисоб бериб туриши, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда гражданларни кенг кўламда қатнаштириш, жамоатчилик фикрини ҳамиша ҳисобга олиб бориш асосида амалга оширилади.

Регламент лойиҳасида СССР Олий Совети сессияларининг иши тўғрисидаги қоидалар мустаҳкамлаб берилган, СССР Олий Совети Президиуми фаолиятининг тартиби, СССР Министрлар Советини, халқ контроли комитетини тузиш, СССР Олий Судини сайлаш ва СССР Бош прокурорини тайинлаш тартиби белгиланган.

Мамлакатимизнинг етук социализм даврига қадам қўйганлиги совет қонунчилигининг анча қисмини янгилаш заруратини туғдирди.

Олий Советда ва унинг органларида, деди докладчи, иқтисодий ва социал ривожланиш давлат планларини, давлат бюджетини ва уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш процедурасининг қонуний тартибда аниқ мустаҳкамлаб берилиши катта аҳамиятга эгадир.

Регламент лойиҳаси СССРнинг кўп қиррали ташқи сиёсий фаолиятини амалга ошириш ва мамлакатимизнинг халқаро алоқаларини ривожлантиришда Олий Совет ва унинг Президиуми муҳим роль ўйнаётганлигини акс эттиради.

Докладчи Олий Совет комиссиялари ва унинг палаталари комиссиялари муҳим роль ўйнаётганлигини таъкидлаб, бу комиссияларнинг фаолияти тобора актив ва кенг тус олмоқда, деди. СССР Олий Совети Президиуми доимий комиссиялар ҳақидаги Низомга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлади. Бу ўзгартиш ва қўшимчалар СССР Конституциясига асосланган бўлиб, ана шу комиссиялар тўплаган ижобий иш тажрибасини эътиборга олади.

В. В. Кузнецов регламентнинг қабул қилиниши, доимий комиссиялар ҳақидаги Низом аниқланган текстининг тасдиқланиши СССР Олий Совети фаолиятининг ҳуқуқий негизини, шубҳасиз, бойитади ва мустаҳкамлайди, совет умумхалқ давлат ҳокимияти олий органининг иш самарадорлигини янада оширишга ёрдам беради, деб ишонч билдирди.

Музокараларда сўзга чиққан Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **А. Ф. Ватченко**, Озарбайжон касаба союзлари республика Советининг Раиси депутат **З. И. Гусейнова**, «Литературная газета»нинг бош редактори депутат **А. Б. Чаковский**, Москва область ижроия комитетининг раиси депутат **Н. Т. Козлов** таъкидлаб ўтишганидек, ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси социалистик демократия тантанасининг ёрқин далили бўлди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев яна СССР Олий Совети Президиумининг Раиси этиб сайланганлиги ленинчи партиянинг юксак обрў-эътиборидан далолат беради, коммунистик қурилиш манфаатларига, барча совет кишиларининг орзу-умидларига мос бўлиб тушади.

Депутатлар шуни таъкидлаб ўтишдики, СССР Олий Совети регламенти лойиҳасининг ҳар бир боби ғоят аниқ илмий назарий асосга эга бўлиб, практикада ҳар томонлама синовдан ўтди ва СССР Конституциясига тўла-тўкис мувофиқдир. Лойиҳада Советларнинг ички ташкил этилиши ва иш тартибининг ленинча асосий принципларига акс эттирилган регламент муҳим ташкил этувчилик аҳамиятига эгадир. У советлар барча органлари фаолиятидаги аниқ пухта йўл-йўриқ бўлади.

Нотиқлар СССР Олий Советининг регламентини, СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети доимий комиссиялари тўғрисидаги Низомга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни тасдиқлаш ҳақидаги таклифларни киритдилар.

Шу билан доклад юзасидан музокаралар ниҳоясига етади.

СССР Олий Совети палаталар бўйича алоҳида-алоҳида овоз бериш йўли билан СССР Олий Советининг регламентини, шунингдек СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети доимий комиссиялари тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонунни бир овоздан қабул қилади.

Сессия СССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга киришади. СССР Олий Совети Президиумининг секретари **М. П. Георгадзе** доклад қилади.

СССР Олий Совети СССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлайди ва тегишли қонунларни қабул қилади. Депутатларнинг статуси тўғрисидаги Қонунга ҳамда СССР Олий Совети депутатини чақириб олиш тартиби ҳақидаги қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади.

Шу билан Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг иккинчи қўшма мажлиси тугади.

* * *

Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг учинчи қўшма мажлиси соат 17.00 да Катта Кремль саройида очилади.

Иттифоқ Советининг Раиси **А. П. Шитиков** раислик қилади.

СССР Министрлар Советини тузиш — сессия кун тартибидаги навбатдаги масаладир. СССР Министрлар Советининг Раиси депутат **А. Н. Косигин**га сўз берилади.

А. Н. Косигин СССР Олий Советининг топшириғига мувофиқ СССР Министрлар Советининг КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Советининг партия группаси маъқуллаган составини: СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари лавозимларига номзодларни, министрлар, давлат комитетларининг раислари, ҳукуматнинг бошқа аъзоларини тасдиқлашга ҳавола этади.

СССР Олий Совети СССР ҳукумати — СССР Министрлар Советининг составини бир овоздан тасдиқлайди.

Сўнгра А. Н. Косигин СССР ҳукумати номидан СССР Олий Советига мурожаат қилади.

Депутат А. Н. КОСИГИН нутқи

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Бизга кўрсатилган катта ишонч учун СССР Министрлар Совети номидан, ҳукуматнинг сиздар тасдиқлаган барча аъзолари номидан партиямизга, унинг Марказий Комитетига, СССР Олий Советига сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этаман. Ву ишонч мамлакатни Конституциямизга, Коммунистик партиянинг қарорларига мувофиқ ва Леонид Ильич Брежнев нутқида ўртага қўйилган принципиал вазифалар асосида идора қилиш учун юксак масъулиятдан ажралмас эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

СССР Олий Советининг биринчи сессияси мамлакатнинг сиёсий ҳаётида буюк воқеа бўлди, деб тўла ишонч билан айтиш мумкин. Сессиянинг бутун фаолияти Конституциямизнинг демократик руҳи билан суғорилган бўлиб, унинг сиёсий мазмуни теранлигини, унинг замиридаги Ленин партияси ғояларининг ижодий кучини ифодалайди.

Олий Совет тўла яқдиллик вазиятида ва баланд руҳ билан Коммунистик партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежневни яна СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлади. **(Қарсаклар).** Бунда бутун халқимиз Леонид Ильичнинг партия билан мамлакат олдидаги буюк хизматлари эътирофини, унинг коммунистик жамият қуриш, мустаҳкам тинчлик ва инсониятнинг тараққиёти учун курашга қўшган жуда катта ҳиссаси эътирофини кўриб турибди. Янги тузилган ҳукумат номидан Леонид Ильични ва СССР Олий Совети Президиумининг бутун составини сайланганликлари билан астойдил табриклашга ижозат бергайсизлар. **(Қарсаклар).**

Социалистик жамиятнинг бутун ҳаёти, унинг сиёсий ва иқтисодий системасидаги барча бўғинларнинг фаолияти, аввало, чуқур сиёсий бирлик билан, жамиятнинг коммунистик қурилишдаги, бутун ички ва ташқи сиёсатимиздаги мақсадлари бирлиги билан белгиланади. Бизнинг зўр устунлигимиз ва кучимиз ана шундадир. Мамлакатимизда шонли Коммунистик партиямиз жамиятнинг раҳбар кучи ролини муносиб равишда бажариб келаётганлиги туфайли сиёсий бирлик вазияти вужудга келди. Партиянинг сиёсати жамият ривожининг энг муҳим эҳтиёжларини, ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, зиёлиларнинг манфаатларини ифодалайди, партия совет халқининг бутун буюк бунёдкорлик фаолиятига раҳбарлик қилмоқда. Партия билан халқнинг бирлиги, партиянинг раҳбарлик роли бизга эксплуататорлик жамияти шароитида ҳеч қачон ҳал этила олмаган ва ҳал этиб бўлмайдиган жуда катта миқёсдаги вазифаларни ўртага қўйиб, ҳал қилиш имконини бермоқда.

Совет ҳукумати фаолиятининг асосий йўналишлари ва принциплари, хўжалик қурилиши ва давлат бошқарувининг турли соҳаларидаги унинг ваколатлари, шунингдек ҳукумат ишини ташкил этиш тартиби СССР Министрлар Совети тўғрисида яқинда Олий Совет қабул қилган Қонунда белгиланган.

Социалистик давлатнинг бош вазифаларига биноан Министрлар Советининг келгуси даврдаги фаолияти коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш, социалистик ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, ватанимиздаги барча миллат ва элатларнинг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлаш, меҳнаткашлар моддий ва маданий турмуш даражасини ошириш соҳасидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилади. Мамлакат ҳавфсизлигини таъминлаш, тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни СССР Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган ленинча ташқи сиёсат принциплари асосида ривожлантириш масалалари доимо ҳукуматнинг диққат марказида туради.

Бизда ижтимоий ишлаб чиқаришни узлуксиз ва пропорционал ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш асосида мамлакатнинг иқтисодий қудратини ва халқ фаровонлигини муттасил ўстиришни таъминлаш учун зарур воситаларнинг ҳаммаси бор. Бизда партия ишлаб чиққан илмий асосланган иқтисодий сиёсат, бой табиий ресурслар, қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий потенциал, мураккаб ишлаб чиқариш ва илмий вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга, замонавий ишлаб чиқаришни бошқаришга лаёқатли ажойиб малакали кадрлар бор.

1965 йилдан кейинги даврнинг ўзида халқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш фондлари қариб 3 баравар кўпайди, миллий бойлиқ эса ҳозир 2 триллион сўмликдан ошади. Буларнинг ҳаммаси эса совет халқига белгиланган мақсад сари комил ишонч билан олга бориш, ўнинчи беш йиллик планни бажариш ва экономикамизни бундан буён тез ривожлантириш учун пухта замин яратиш имконини беради.

Шу муносабат билан СССР Министрлар Совети янги беш йиллик планни ишлаб чиқишга катта аҳамият беради. Бу — масъулиятли иш бўлиб, шу иш жараёнида илм-фан туфайли очилаётган имкониятларни синчиклаб таҳлил этиш ва ҳисобга олиш, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилишни ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришнинг энг самарали йўллари ва йўналишларини топиб, планга асос қилиб олиш, совет халқи моддий ва маданий турмуш даражасини янада ошириш тадбирларини кўзда тутиш керак бўлади. Леонид Ильич Брежнев сайловчилар билан учрашувда уқтириб ўтганидек, «Ўн биринчи беш йиллик план партиянинг иқтисодий сиёсатини ўзида тўла-тўкис мужассамлаштириши, иқтисодий ва илмий техникавий тафаккурнинг сўнгги ютуқларини, бутун тажрибамизни ўзига сингдириши лозим». Худди шундай қилишни ҳукумат ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири деб билмоқда.

Шу билан бирга СССР Министрлар Совети давлат бошқарувини такомиллаштириш, ишдаги уюшқоқликни ошириш ва давлат интизомини мустаҳкамлаш чораларини кўраверади. Ҳукумат ўзининг бутун диққат-эътиборини халқ хўжалигига, министрликлар ва идоралар, давлат аппаратининг барча бўғинлари фаолиятига раҳбарликни янада яхшилашга, уларнинг ишга ижодий ёндощишини таъминлашга қаратади. Ҳукумат ҳар бир хўжалик раҳбари олдига қатъият билан қўйиладиган талаблар шундан иборатки, топширилган иш учун масъулият кўпроқ бўлсин, масалаларни ҳал этишда ташаббускорлик ва оперативчилик оширилсин, умумдавлат, умумхалқ манфаатларига оғишмай риоя қилинсин. Бюрократизм, маҳкамачилик ва маҳаллийчилик кўринишларига муросасизлик билан қаралсин, халқ хўжалиги ресурсларидан ғоят тежаб-тергаб фойдаланилсин.

Министрлар Совети гражданларнинг давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини янада кенгайтиришга ҳар томонлама кўмаклашаберади, давлат ишларини юритишда халқ контроли кучайишини ва ошкоралик кенгайишини таъминлайберади. Мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини бажаришда совет кишиларининг кучайиб бораётган меҳнат ва ижтимоий активлиги — коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида муваффақиятли равишда олға томон қилаётган ҳаракатимизнинг энг катта гаровидир.

Ҳукумат социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири деб билади. Биз иттифоқчилик муносабатларини чуқурлаштириш, коллектив ташкилотларимизнинг фаолиятини такомиллаштириш, ташқи сиёсат бобидаги тадбирларимизни мувофиқлаштириш йўлида бундан буён ҳам улар билан бирга боравeрамиз. Бизнинг биргаликдаги куч-ғайратларимиз иқтисодий интеграция, ишлаб чиқаришни кооперациялаш ва ихтисослаштириш, ҳалқаро социалистик меҳнат тақсимоти афзалликларидан янада тўла-тўкис фойдаланиш вазифаларини ҳал этишга қаратилаберади.

Совет Иттифоқи Осиё, Африка, Латин Америкасидаги кўпгина ривожланаётган мамлакатлар билан, Ғарбий Европа, шимолий Америкадаги ва бошқа районлардаги саноати тараққий этган мамлакатлар билан ўзаро манфаатли, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам интилаберади. Буни биз иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили деб ўйлаймиз, шу билан бирга давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш воситаси деб ҳам биламиз.

Совет ҳукумати тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашни, партиянинг XXIV ва XXV съездлари ишлаб чиққан тинчлик программасини рўёбга чиқариш соҳасидаги амалий тадбирларни бажаришни ўзининг ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлардаги ўз фаолиятининг бош мақсади деб ҳисоблайди. Тинчлик — барча халқларнинг буюк бойлигидир. Бинобарин, тинчлик ниши, халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштириш манфаатлари йўлида биз барча мамлакатлар билан кенг миқёсда ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Бу — бизнинг изчил ва стабил йўлимиздир, бу йўл тузумимизнинг — социал адолат ва гуманизм жамиятининг ўз табиатидан келиб чиқади.

Совет ҳукумати қуроллариш пойгасини тўхтатиш, қуролсизланиш соҳасида реал тадбирларга киришиш ҳамда барча мамлакатларнинг ўз ресурсларидан бунёдкорлик мақсадларида фойдаланишлари учун, инсониятнинг иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштириш учун шарт-шароит яратиш йўлида ҳамма имкониятлардан, давлатимизнинг бутун обрў-эътибори ва нуфузидан фойдаланади.

Совет ҳукумати тинчликсевар ташқи сиёсат ўтказар экан, ҳозирги халқаро вазиятнинг мураккаблигини ҳисобга олади. Ҳукумат унинг реалликларига асосланиб, мамлакатимиз, иттифоқчиларимиз ва дўстларимиз ҳавфсизлигини лозим даражада сақлаш учун доимо ғамхўрлик қилади. Биз совет кишиларининг тинч меҳнатини ҳар қандай тожавузлардан пишиқ-пухта қўриқлаш учун ўз Қуролли Кучларимизни мустаҳкамлашга доир зарур тадбирларни бундан буён ҳам кўраверамиз.

Депутат ўртоқлар, Совет ҳукумати ўз олдида турган вазифаларни ҳал этиш имкониятига, ўзининг хилма-хил вазифаларини бажариш имкониятига эга эканлигининг боиси шуки, у ўзининг бутун фаолиятида кенг халқ оммасининг мададкорлигига, партия сиёсатининг қудратли кучига таянади. Барча муваффақиятларимиз, пировард натижада партия билан халқ коллектив ижодкорлигининг, улар мустаҳкам, бузилмас бирлигининг натижасидир.

Партия билан халқнинг ишончини СССР Министрлар Советининг барча аъзолари ўз куч ва тажрибаларини партия билан халқ ишига тўла-тўкис сарфлаш учун илҳомбахш омил деб биладилар.

Министрлар Совети шу юксак ишончни оқлаш учун имкони бўлган ҳамма ишларни қилади, деб айтишимга ижозат бергайсиз. **(Давомли қарсаклар).**

* * *

СССР Олий Совети СССР Халқ контроли комитетини тузиш тўғрисидаги масалага ўтади.

Депутат **И. В. Капитоновга** сўз берилади. У халқ контроли комитетини 19 кишидан иборат составда тузиш тўғрисида таклиф киритади. Ўртоқ Алексей Михайлович Школьников СССР Халқ контроли комитетининг раислигига тавсия этилади. Ўртоқ Александр Иванович Шитов комитет раисининг биринчи ўринбосарлигига тавсия қилинади.

СССР Олий Совети **А. М. Школьников** раислигидаги СССР Халқ контроли комитети составини тасдиқлайди.

Сессия СССР Олий Судини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади. Депутат **В. В. Кузнецовга** сўз берилади.

СССР Олий Советининг бугун биз тасдиқлаган регламенти, деди у, давлатимизнинг олий суд органи — СССР Олий судини сайлаш тўғрисидаги масала янги сайланган СССР Олий Советининг биринчи сессиясида ҳал этилишини кўзда тутади.

СССР Олий Суди яқинда — 1978 йил 16 декабрда сайланганлигини назарда тутиб, СССР Олий Совети Президиуми СССР Олий Судини унинг ҳозирги составида сайлаш тўғрисидаги таклифни киритади. Ўртоқ Лев Николаевич Смирновни СССР Олий судининг Раиси қилиб сайлаш таклиф этилади.

СССР Олий Совети Раис **Л. Н. Смирнов** бошлиқ СССР Олий судини бир овоздан сайлайди.

Кун тартибининг навбатдаги масаласи — СССРнинг Бош прокурорини тайинлаш тўғрисидаги масала юзасидан депутат **А. Ф. Ватченко** сўзга чиқади. СССР Конституцияси, деди у, СССР Бош прокурорига ва унга бўйсунган прокурорларга Қонунларнинг аниқ ва бир таҳлилда ижро этилиши устидан олий назорат ўрнатиш вазифасини юклайди. Конституцияга мувофиқ СССР Бош прокурорининг ваколатлари беш йиллик муддатга белгиланган, СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Роман Андреевич Руденкони яна СССРнинг Бош прокурори қилиб тайинлаш тўғрисидаги таклифни киритади.

Р. А. Руденкони СССРнинг Бош прокурори этиб тайинлаш тўғрисидаги қарор бир овоздан қабул қилинади.

Сессия кун тартибидаги ҳамма масалалар кўриб чиқилади. Ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси ёпиқ деб эълон қилинади.

(ТАСС).

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТАРАДДУДИ

ФАБРИКАМИЗ коллективи улуғ доҳий Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 109 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигини орзиқиб кутиб олмоқдалар. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг шанбаликда тушадиган маблағларнинг 75 процентини Вьетнамга ёрдам бериш фондига ўтказиш ҳақидаги қарори ишчи-хизматчиларимиз томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда.

Коллективимиз бунга жавобан шанбаликни ҳар томонлама уюшқоқлик билан ўтказиш, шу куни юксак меҳнат унумдорлигига эришиш бўйича қўшимча режалар тузди. Бу меҳнат байрамида корхонамиздан 1200 ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчи қатнашади.

Айрим коллективлар ва ишчилар нормани анча ошириб бажариш, оддий иш кунларидагига нисбатан кўпроқ маҳсулот бериш ҳамда унинг аксарият кўпчилигини сифатли бўлишига эришишга аҳд қилдилар. Жумладан, мастерлардан А. Эрхўжаев, ва Р. Сирожиддиновлар раҳбарлик қилаётган смена коллективлари бугун фақат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқаришади. Пойафзалнинг устки деталларини бичиш цехининг Б. Мирҳамидова бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадасининг 18 аъзоси 1,5 минг квадрат дециметр юмшоқ чарм товарларини тежаб қолади. Бу 300 жуфт болалар пойафзали ишлаб чиқариш учун етарлидир.

Бир беш йилликда икки беш йиллик топширигини бажариш юзасидан зиммасига олган шахсий мажбуриятини шараф билан бажараётган пинетка цехининг илғор ишчиси Орзихон Ҳикматова шанбаликда нормани икки баравардан ошириб бажармоқчи эканлигини айтди. Фабрикамизда ўнлаб ишлаб чиқариш илғорлари ҳам шанбалик куни нормани 1,5—2 баравар қилиб бажаришади.

Ишчиларимиз кенг кўламда ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларини ҳам амалга оширадилар. Ирригация шохобчалари тартибга келтирилади, кўплаб дарахт ва гул кўчатлари ўтказилади. Бир группа ходимлар коллективимизнинг дам олиш зонасида меҳнат қилишади.

Умуман қизил шанбалик куни коллективимиз ҳаммаси бўлиб 7650 жуфт чиройли ва бежирим болалар пойафзали ишлаб чиқариб, мамлакатимизнинг жажжи гражданларига совға қилади. Шу куни тушган иш ҳақининг ҳаммаси беш йиллик фондига берилади.

Ғ. АМИНОВ,
Янгийўл пойафзал фабрикаси техника контроли бўлими бошлиғи.

ТЕЗ, СОЗ ВА АРЗОН ҚУРАЙЛИК

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДАН

19 апрелда область партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисни Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари **В. А. Антонов** очди.

«Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XII пленуми қарорлари асосида капитал қурилиш бўйича 1979 йил социалистик мажбуриятларини бажаришда Тошкент область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» Тошкент область партия комитетининг секретари **Ф. Г. Потуремский** доклад қилди.

1979 йил 17 апрелда,— деди докладчи.—Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди. Пленум СССР Олий Совети ўнинчи чақириқ биринчи сессияси масалаларини кўриб чиқди. Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитети ўртоқ Л. И. Брежнев нутқидаги СССР Олий Совети фаолиятига оид ва барча халқ депутатлари Советлари ишини янада такомиллаштириш бўйича қоидалар ва хулосаларни бутунлай ва тўла маъқуллади.

Мамлакатимиз пойтахти Москвада СССР Олий Советининг ўнинчи чақириқ биринчи сессияси ўз ишини давом эттиряпти. Кўп миллатли Совет халқларининг энг муносиб вакиллари ўзларининг депутатлик вазифаларини бажаришга киришдилар, муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган вазифаларни ҳал қилмоқдалар.

Докладчи пойтахт область меҳнаткашлари, шу жумладан қурувчилар КПСС XXV съезди тарихий қарорларини ҳаётга татбиқ қилиш бўйича республика меҳнаткашларининг умумий муваффақиятига салмоқли ҳисса қўшяпти, деди. Ўтган йилнинг ўзида қурувчилар 18 та йирик халқ хўжалик объектларини фойдаланишга топширдилар.

Бундай аҳвол, айрим партия органлари жойларда капитал қурилиш масалаларига, ишга туширилаётган қурилишларда қучларни ва воситаларни жамлаш ҳамда уларни ўз муддатида фойдаланишга топширишга етарли эътибор бермаётганидан далолатдир.

Айрим министрликлар ва идоралар ўзларининг пойтахт областида жойлашган қурилиш-монтаж ташкилотларига кам эътибор бераётганини таъкидламаслик мумкин эмас.

Партия комитетлари шаҳарлар ва районларда ишга туширилаётган объектлар қурилишига масъулиятсизлик билан қараш ҳоллари билан келишиб келмоқдалар. Аслида эса, бу барча объектлар Л. И. Брежнев аниқ белгилаб берганидек, таслиқланганидан кейин қонунга айланадиган халқ хўжалиги планига киритилган. 1979 йилда фойдаланишга топширилаётган объектлар партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик раҳбарларининг диққат марказида бўлиши керак.

Қурувчиларнинг қучларини, моддий ва молиявий воситаларни энг аввало муҳим ишлаб чиқариш объектларини қуриб битказишга сафарбар этиш зарур.

Докладчи ишга туширилаётган объектлар қурилиши устида муфассал тўхтаб, йўл қўйилган хатолар ва камчиликларни таҳлил қилди.

Тошкент трактор заводи байроғини олишга муяссар бўлди, беш коллектив эса Ўзбекистон ССР Меҳнат шуҳрати Китобига ёзилдилар.

Бу ва бошқа ютуқлар қурувчилар ва монтажчиларнинг, инженер-техник ходимларнинг, министрликлар ва идоралар раҳбарларининг, қурилиш ишлаб чиқариши барча бўғинлари меҳнаткашларининг зардор меҳнати натижасидир.

Докладчи шу билан бирга, капитал қурилишда кўпгина камчиликлар борлигини ҳам таъкидлади. Бу аввало асосий фондларни ўз муддатида ишга туширмаслиқда кўрилмоқда. Айниқса Олмалиқ, Оҳангарон, Чирчиқ шаҳарлари ва Тошкент, Коммунистик ҳамда Калинин районларида аҳвол қониқарсиз.

Шу йилнинг биринчи кварталида қурувчилар турар-жойни фойдаланишга топшириш бўйича плани 52 процент бажардилар. Поликлиникаларни фойдаланишга топириш бўйича план фақат 50 процент, мактабгача болалар муассасалари бўйича 72 процент бажарилди. Қурилиш-монтаж ишлари плани 86 процент, шу жумладан қишлоқ хўжалик объектлари бўйича 81 процент адо этилди. Қатор жойларда қурилиш-монтаж ишларининг сифати пастлиги кўзга ташланмоқда.

Яна бир факт тушунмовчилик уйғотади: барча қурилиш трестлари шу йилнинг биринчи кварталида пудрат ишлари планини бажардилар ва ошириб бажардилар. Айни пайтда, кўплаб ишга туширилаётган объектларда пландан ва графиқдан оқсаш ҳолларини кўриш мумкин. Пойтахт областида эса республикадаги жами капитал қурилиш ҳажмининг чорак қисмидан кўпроғини ташкил этадиган объектлар қурилмоқда.

Бундай аҳвол, айрим партия органлари жойларда капитал қурилиш масалаларига, ишга туширилаётган қурилишларда қучларни ва воситаларни жамлаш ҳамда уларни ўз муддатида фойдаланишга топширишга етарли эътибор бермаётганидан далолатдир.

Айрим министрликлар ва идоралар ўзларининг пойтахт областида жойлашган қурилиш-монтаж ташкилотларига кам эътибор бераётганини таъкидламаслик мумкин эмас.

Партия комитетлари шаҳарлар ва районларда ишга туширилаётган объектлар қурилишига масъулиятсизлик билан қараш ҳоллари билан келишиб келмоқдалар. Аслида эса, бу барча объектлар Л. И. Брежнев аниқ белгилаб берганидек, таслиқланганидан кейин қонунга айланадиган халқ хўжалиги планига киритилган. 1979 йилда фойдаланишга топширилаётган объектлар партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик раҳбарларининг диққат марказида бўлиши керак.

Бу масалада партия ва совет органлари, область қурилиш ва давлат банклари идоралари зиммасига катта вазифа юклатилади. Улар капитал қурилиш планлари билан ўз вақтида ва бирмабир танишиб, бу ишга жавобгар ўртоқлардан зарур тартиб ўрнатишни талаб қилишлари даркор.

Планларни ишлаб чиқишда ўсиш суръатларига жиддий амал қилиш ва ажратиладиган капитал маблағларни моддий-техника ресурслари билан мос равишда боғлаш даркор, планлаштириш ташкилотлари, буюртмачилар ва қурилиш ташкилотлари ўз планларини барча объектлар нормадаги муддатларда ишга тушадиган қилиб белгилашларига эришиш керак.

Шаҳарлар ва районлар партия комитетлари, шаҳарлар ва районлар ижроия комитетлари объектлар қурилишини лойиҳа-смета ҳужжатлари тўла таъминланмасидан, қурилиш майдони тайёрланмасидан ва қурилиш муддатларига мос келадиган норматив бўйича зарур молиявий маблағ билан таъминланмасидан туриб бошлашни таъқиқлаштача бўлган қатъий қарорлар қабул қилишлари керак.

Қурилиш объектлари муддатининг кечикишида кўпинча қурувчиларнинг ўзлари айбдор. Қатор қурилиш ташкилотларида бекор туриш ва маъмурият рухсати бўйича кўп отпуска бериш ҳисобига иш вақти йўқотилмоқда. Қурилиш машина ва механизмлари тўла қувват билан ишлатилмаяпти, қурилиш-монтаж ишларида бракка йўл қўйиш ва ишни охиригача тугатмаслик фактлари учраб турибди.

Докладчи илғор иш усулларини ва энг аввало бригада пудратини, орёллик қурувчилар тажрибаси, свердловскликлар ташаббусини қурилиш практикасига кенг жорий этиш зарурати тўғрисида гапирди.

Областдаги партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари бригада пудратини ривожлантириш ва кенг жорий этиш, такомиллаштириш масалалари билан муттасил шуғулланишлари, илғор қурувчилар ва монтажчиларнинг қимматли ташаббусларини ҳамма жойда ёйишга эришишлари керак.

Яқинда область партия комитетининг бюроси У. Г. Мурадосилов, Е. Т. Смагин, С. И. Набижонов, М. Жўраев, Ў. Шахобов, И. И. Юнусовлар бошлиқ бригадаларнинг доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб нишонлаш — 1980 йил 22 апрелгача беш-олти йиллиқ топшириқни бажариш ва объектларни муддатидан илгари фойдаланишга топширишни таъминлаш бўйича ташаббусларини маъқуллади.

Шаҳарлар ва районлар партия комитетлари, область касаба союзлари совети, бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари бу қимматли ташаббусни кенг ёйишлари, қурувчилар ва монтажчилар бригадаларига бу ватанпарварлиқ ҳаракатида актив иштирок этишда яқиндан ёрдам беришлари керак.

Афсуски, қурилиш ишлаб чиқариши бошқарувини ташкил этиш даражасини ошириш масалалари барча бошланғич партия ташкилотларининг кундалиқ ташвишлари ва эътиборига айланган масала бўлганича йўқ. Айрим партия комитетларининг иш планларида бу масала ўз аксини топмаяпти. Бу эса ўз навбатида қурилиш ва монтаж ташкилотларида, қурилиш материаллари саноати корхоналарида, лойиҳа ташкилотларидаги партия-вий-сиёсий, ташкилий ва тарбиявий ишлар даражасида салбий акс этмоқда.

Қурилиш трестлари ва қурилиш материаллари саноати корхоналарининг бошланғич партия ташкилотларидаги ички партиявий ишларнинг аҳволи кишини айниқса ташвишлантиради.

Бошланғич партия ташкилоти — коллективнинг ўзаги, унинг жанговар авангарди. Уларни ишчи синфининг ва инженер-техник ходимларнинг энг яхши вакиллари ҳисобига мустаҳкамлаш — партия комитетлари, районлар ва шаҳарлар партия комитетларининг биринчи даражали вазифаларидир. Фақат партия ташкилотларининг актив ёрдами, уларнинг жанговарлиги ва кундалик эътибори билан ҳар бир қурилиш-монтаж ташкилотида мўътадил ва малакали коллективни вужудга келтириш мумкин.

Кадрлар билан ишлаш борасидаги барча яхши тажрибаларни қурол қилиш, область қурилишларига ишчиларни жалб этиш резервларини излаш даркор.

Тошкент область комсомол комитети яқинда қурилиш трестлари раҳбарлари билан Кизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи Тошкент гарнизонида бу йил мажбурий ҳарбий хизматни тугатаётган ҳарбий қурувчилар учрашувини уюштириб, яхши ташаббус кўрсатди. Бу учрашув қурилиш ташкилотлари коллективларини ёшлар ҳисобига тўлдириш, ишга туширилаётган қурилиш участкаларини малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш имконини беради.

Область қурилиш, монтаж, лойиҳа ташкилотлари, қурилиш материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарининг коллективлари КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленуми қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев нутқига жавобан 1979 йил учун зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

Мажбуриятларда қатор объектларни муддатидан илгари битказиш, пудрат ишлари йиллик планини 27 декабрда бажариш, ўқув йили бошлангунча 1979 йил планида белгиланган мактаблар ва ҳунар-техника билим юртлари қурилишини тугаллаш, 1 декабргача эса соғлиқни сақлаш барча объектларини фойдаланишга топириш кўзда тутилган. Шунингдек, қурувчилар ва монтажчиларнинг малакасини ошириш ва янги кадрлар тайёрлаш, уларни меҳнат коллективларида мустаҳкам ўрнаштириш бўйича кенг программа белгиланган.

Область қурувчилари олдига қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан барча партия ташкилотларининг жанговарлигини, ҳар бир коммунистнинг ташаббуси ва масъулиятини янада оширишга боғлиқдир.

Шаҳарлар ва районларнинг партия комитетлари тегишли министрликларнинг ва идораларнинг вакиллари билан биргаликда энг қисқа муддатларда ҳар бир ишга туширилаётган объектда қурилишнинг боришини атрофлича ўрганиши, «ишчи эстафетаси» усулидаги мусобақани янада кенг жорий этиш бўйича ташкилий ишни кучайтиришлари керак. Маълумки, бу мусобақа қурувчилар, монтажчилар, тайёрловчи ва ускуна етказиб берувчи заводлар, лойиҳачилар ва фойдаланувчилар ўртасида ҳамкорликда қабул қилинган мажбуриятларнинг муддатидан илгари бажарилишини, ишга туширилаётган объектларнинг вақтида битказилишини таъминлайди.

Капитал қурилишни бошқаришнинг барча бўғинларида ишчанликни, масъулиятни ва интизомни кучайтириш зарур. Бошқариш аппаратининг ҳар бир бўғини ишлаб чиқаришни ташкил этишда вужудга келаётган барча масалаларни ҳал этишда ўз роли ва ўрнини аниқ-равшан билиши ва кўриши даркор. Бу масалани ҳал қилиш ишга конструктив, ижодий ёндошишни, ўзаро юксак талабчанлик ва оперативликни тақозо қилади.

21 апрелда мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари бу йил 60 йиллиги нишонланадиган коммунистик шанбаликка чиқадилар. Областимиз меҳнаткашлари бу кунда юксак меҳнат унумдорлиги ва аъло иш сифати намуналарини кўрсатадилар.

Область қурилишларида катта ҳажмда қурилиш-монтаж ишларини бажариш белгиланган. Биз партия ва ҳукуматимизнинг коммунистик шанбаликда ишланган маблағнинг 75 процентини қаҳрамон Вьетнамга ёрдам тариқасида бериш ҳақидаги қарорини ялқиллик билан қўллаб-қувватлаймиз.

Ўртоқ Ф. Г. Потуремский доклад сўнгида пойтахт область партия ташкилотининг коммунистлари областда капитал қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишларига, давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданий-маиший объектларини ўз муддатида фойдаланишга топширишни таъминлашларига ишонч билдирди.

* * *

Докладдан сўнг мўзокаралар бошланди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари **К. П. Дудин** минбарга чиқади.

— Кўп минг кишилик Тошкент винокорлари отряди партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари тарихий қарорларини амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ўтган йили Тошкентда 900 минг квадрат метрга яқин уй-жойлар, 29 та болалар боғчаси, 9 та мактаб, ўнлаб саноат ва коммунал-маиший хизмат кўрсатишга мўлжалланган объектлар фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон пойтахти қурилишларида социалистик мусобақа кенг авж олаяпти. Кўпгина коллективлар «ишчи эстафетаси» принципи бўйича комплекс мажбуриятлар олиб ишлаяпти.

Шаҳар ва район партия комитетлари капитал қурилиш самарадорлиги ва сифатини ошириш масалаларини бутун ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни такомиллаштириш, қурилишлар бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш билан бевосита боғланган ҳолда қараб чиқмоқдалар. Муҳим қурилиш объектларида 18 та вақтинчалик партия группалари тузилди ва бу группалар ишлаб чиқаришга сезиларли ижобий таъсир кўрсатмоқдалар.

Нотиқ қўлга киритилган ютуқларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XII Пленуми талаблари нуқтаи назаридан баҳолар экан, мавжуд камчиликлар, партия таъсири ва назоратини кучайтириш лозимлиги ҳақида тўхталди. Республика Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги айрим бўлинмалари фаолиятидаги камчиликлар ишни бир маромда ташкил этишга ҳалақит бераяпти. Уларнинг айби билан барча қурилишларга ўз вақтида монтажчилар юборилмаяпти.

«Алмаликсвинецстрой» трести бошқарувчиси **Р. Ҳ. Қўлдошев** ўз нутқини капитал маблағлардан рационал фойдаланиш, қуч ва маблағларни ишга туширилаётган объектларда марказлаштириш тажрибасига бағишлади. Трест коллективи Олмалиқ кон-металлургия комбинати, химия заводини реконструкция қилиш ишларини олиб бормоқда. Бу йил иш ҳажми анча кенгайди. Трест партия комитети ва раҳбарлиги бу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун ёрдамчи пудратчи ташкилотлар билан ишлаб чиқаришни инженерлик тайёрлаш комплекс планини ишлаб чиқдилар, шунингдек, қурилишнинг техника даражасини ошириш бўйича тадбирларни белгиладилар. Қурилиш-монтаж ишлари бутун ҳажмининг салкам ярмисини бригада пудрати асосида ишлаётган коллективлар қучи билан бажариш назарда тутилаяпти.

Ўртоқ Р. Қўлдошев ўз нутқида бир маромда ишлашни таъминлаш, қурилишларни материал-техника ва ишчи ресурслари билан комплектлашни яхшилаш имконини берадиган айрим масалалар ҳақида тўхталиб, уларни ҳал қилиш лозимлигини таъкидлади.

— Коммунистик районида хутор системасини тугатиш бўйича катта ишлар қилинмоқда,— дейди район партия комитетининг иккинчи секретари **В. Н. Бабанец**. —Фақатгина сўнгги икки йил ичида районда капитал маблағ сарфлаш ҳажми беш баробар ошди ва 60 миллион сўмликни ташкил этди. Уй-жой қурилиш кооперативлари ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бундай кооперативлар «Ленинский путь» колхозида, Охунбобоев номли, «Коммунист» совхозларида ташкил этиляпти.

Районда қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг ортиши муносабати билан янги қишлоқ ҳунар-техника билим юрти ташкил этилди. Бу билим юртида турли мутахассислик эгаси бўлган винокорлар тайёрланади.

Қурилиш ишлари ва архитектура бўйича область бўлими мудири **А. А. Умаров** ўз нутқини қурилиш сифатини оширишга бағишлади. Бизнинг областимизда қурилиш нормалари ва қоидаларини бузиш, қурилиш-монтаж ишларини сифатсиз амалга ошириш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Айниқса, «Ташоблколхозстрой» трести бўлинмалари бу соҳада ёмон ишлаяпти. Уларнинг винокорлик машина ва механизмлари жуда кам, кичик механизация воситалари эса деярли йўқ. Министрликлар ва идоралар республика трестларининг, жумладан «Узпитцепром», Пахта тозалаш саноати министрлиги, «Узплодоовошчпром» бўлинмалари бунёд этаётган объектларда қурилиш-монтаж ва пардозлаш ишларининг сифати жуда паст бўлмоқда.

93-ихтисослашган трест бошқарувчиси **Н. Н. Никитинга** сўз берилади. Октябрь революцияси орденли бу трест коллективи қурилаётган деярли барча объектларда технологик асбоб-ускуналарни монтаж қилиш билан шуғулланмоқда. Лекин, ишлаб чиқариш базаси ривожланмаётганлиги оқибатида трестнинг иш кўрсаткичлари сўнгги йилларда анча пасайиб кетди. Кўпгина корхоналар монтаж қилиш учун асбоб-ускуналар ва материалларни ўз вақтида етказиб бермаётганлиги ҳам коллектив фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бош пудратчилар эса монтажчиларга иш фронтини белгиланган муддатда тайёрлаб бермаяпти. Бу, айниқса, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ва «Главташкентстрой» бўлинмаларига оиддир.

Бундан ташқари, доклад юзасидан бўлган мўзокараларда 160-трест бригада бошлиғи **У. Шаҳобов**, Чирчиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **П. А. Юсупов**, «Главташкентстрой» пардозлаш трести 31-қурилиш бошқармаси бўёқчиси **Э. Ниёзова**, Тошкент трактор заводи директори **И. Ҳ. Мусин** қатнашдилар.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **А. А. Ҳўжаев** иштирок этди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилинди.

МАДАНИЙ ФРОНТНИНГ ОЛДИНГИ САФИДА

Совет кишиларининг маънавий ҳаётини санъатнинг муҳим ва оммавий тури киносиз тасаввур қилиш қийин. Область кино тармоғи ходимлари кино пропагандасининг самарали формаларидан кенг фойдаланмоқдалар. Совет фильмлари, премьера ва фестивалларни, томошабинлар конференциялари ҳамда тематик киноқўрсатмалар, кечалар ўтказилмоқда.

Томошабиларнинг кенг қатламини жалб этиш мақсадида клублар, маданият саройлари ҳузурида кинолекторийларнинг ўтказилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Трактор заводи, тўқимачилик комбинати, ЎзКТЖМ, Киров номли ўқув хўжалиги, «Огонёк», Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозлари, Усмон Юсупов номли аграр ишлаб-чиқариш бирлашмаси кино ходимлари ўнинчи беш йилликлнинг учинчи йилида меҳнаткашларга кино ҳизмати кўрсатиш бўйича юқори кўрсаткичларни қўлга киритдилар. Кейинги вақтларда ёшларнинг қизиқарли кино асарларни томоша қилишлари йўлида жуда катта ишлар олиб борилди. Улар учун кинолекторийлар ташкил этилмоқда. Мактаблар билан яқиндан алоқа ўрнатилган. Бир қатор болалар кинодирекциялари ва пионер кинотеатрларида намунали тадбирлар амалга оширилмоқда. Областимизда бундай жамоатчилик асосида ташкил этилган 80 та муассаса бор.

Ўтган йил ҳаваскорлик киностудияларини ривожлантириш йили бўлди. Бунда область касаба союзлари совети томонидан ўтказилган конкурс ва кинофестивалларга алоҳида ўрин тутди. Шаҳар ва қишлоқ учун киномеханиклар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга ғамхўрлик қилинмоқда.

Область кино тармоғи ходимлари томошабиларни ғоявий-сиёсий ахлоқий, эстетик жиҳатдан тарбиялашда, уларнинг дам олиш вақтларини маданий ташкил этишда актив қатнашмоқдалар. Область касаба союз кино тармоғи ходимлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида актив қатнашиб, катта муваффақиятга эришдилар. Маълумки, ВЦСПС мусобақада ғолиб келганларни мукофотлаш учун тўртта қўчма Қизил байроқ таъсис этган эди. 1978 йил якунларига кўра Ленинград, Днепропетровск, Жанубий Козоғистон қатори Тошкент области касаба союзи кинотармоғи ходимлари ҳам қўчма Қизил байроқни олиш шарафига муяссар бўлишди.

Кеча Тошкентда ана шу байроқни топширишга бағишланган касаба союз активи йиғилиши бўлиб ўтди. Қўчма Қизил байроқни ВЦСПСнинг кино бўйича Марказий совети бўлимининг мудири О. Н. Грязнова топширди.

Актив йиғилишида қишлоқ хўжалик ходимлари область касаба союз комитетининг раиси Т. Р. Ражабов, Тошкент трактор заводи маданият саройининг директори М. Л. Тульчинский Тошкент ўйсозлик комбинати клубининг киномеханиги Л. В. Попова ва бошқалар сўзга чиқишди. Улар кинотомошабинларнинг турли қатламларига хизмат қилиш тажрибаси, кино санъати пропагандасининг янги формалари, қабул қилинган социалистик мажбуриятларни ҳаётга татбиқ этишда тўпланган тажрибалардан гапирдилар.

Слётда илғор пропагандистларга область партия комитети ва область ижроия комитетининг фахрий ёрлиқлари ҳамда совғалар топширилди.

Слёт қатнашчилари барча пропагандистларга қарата мурожаат қабул қилдилар.

Ш. ТЎЛАГАНОВ.

ПРОПАГАНДИСТЛАР СЛЁТИ

Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида область пропагандистларининг слёти бўлиб ўтди. Слётни область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири Э. Ш. Шодмонов кириш сўзи билан очди. Область партия комитети секретари А. М. Ҳўжаев «Пропагандист — партия снёсатини амалга оширишда актив жангчи» деган темада доклад қилди.

Слётда сўзга чиққан Бекобод шаҳар партия комитетининг секретари Т. Я. Воронина, Олмалиқ кон-металлургия комбинати партия комитети секретарининг ўринбосари В. А. Могильникова, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси пропагандисти А. Г. Гараев, Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхози пропагандисти З. Эгамназаров ва бошқа ўртоқлар пропаганда ишларини ташкил этишда тўпланган тажрибалардан гапирдилар.

Слётда илғор пропагандистларга область партия комитети секретариининг ўринбосари В. А. Могильникова ва «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси пропагандисти А. Г. Гараев, Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхози пропагандисти З. Эгамназаров ва бошқа ўртоқлар пропаганда ишларини ташкил этишда тўпланган тажрибалардан гапирдилар.



БОТИР Қосимов ва Александр Шумейко Тошкентдаги кўтарма кранлар заводининг илғорлари. Бу пешқадам токарлар айни кунларда ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилишяпти. Улар смена топшириқларини мунтазам 150—160 процент бажариш билан бирга, фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрламоқдалар. Шунингдек жамоат ишларида ҳам актив иштирок этиб, ҳамкасблари ҳурматига сазовор бўлишмоқда.

А. Тўраев фотоси.

САМАРАЛИ ИЗЛАНИШ МАҲСУЛИ

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш муҳим тадқиқот объекти сифатида ҳам эътиборни ўзига тортади. Такси машиналари қатнови билан боғлиқ кузатишлар ҳам фан ривожига озми-кўпми ҳисса бўлиб қўшилди.

Истеъдодли ёш олима Дилором Содиқова шу мавзуда самарали иш олиб борган тадқиқотчилардан биридир. Кўп йиллик изланишлари натижасида у «Енгил таксомотор транспорти ишининг ташкил этишни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг айрим масалалари» деб номланган диссертациясини ниҳоясига етказди.

Илмий иш Москва автомобиль транспорти институтининг ишлаб чиқариш экономикаси, уни планлаштириш ва ташкил этиш кафедрасида бажарилди. Республикамизнинг пойтахти Тошкентдаги енгил автомобиль — такси парклари мисолида илмий-назарий хулосалар чиқарилди. Диссертант бу хулосаларни мамлакатимиздаги бошқа парклларга қиёслаб, илғор иш усулларини кенг ёритди.

Илмий иш юзасидан турли ташкилот ва корхоналардан кўпгина ижобий баҳолар олинди. Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигига қарашли «Узавтотрансстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидан юборилган хулосада диссертациянинг илмий ва амалий аҳамиятига юқори баҳо берилди.

Ёш олима бу диссертация ишини Москва автомобиль йўллари ва транспорти институти ихтисослаштирилган илмий Советида муваффақиятли ҳимоя қилди. Расмий оппонентлар ва сўзга чиққан бошқа йирик олимлар изланиш шу соҳа фанига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади деб айтдилар.

Бу диссертацияни яқинда СССР Олий Аттестацион Комиссия коллегияси маъқул деб топди ҳамда Д. Содиқовага техника фанлари кандидати илмий даража беришга қарор қилди.

А. АБДУАЛИЕВ.



ПУХТА ЗАМИН

Анатолий Ким уста пахтакор. У бошлиқ бригада 50 центнерчилар сафида бораётир. Аҳил коллектив бу йил ҳосилдорликни 60 центнерга етказиб, фақат Энгельс номли колхозда-гина эмас, балки Ғалаба районида рекорд натижага эришишга аҳд қилган. Суратларда: (ўнгда) чигит экиш пайти; (чапда) бригада бошлиғи А. Ким.

И. Тўлисбоев фотоси.

Бобо қуёш ер юзига сахийлик билан зар сочяпти. Ҳаво исиб қолди. Дам ғанимат. Чигитни тезроқ экиб олиш керак. «Баҳорнинг ҳар куни йилни боқади»,— деб бежиз айтишмаган. Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхозининг ҳар бир аъзоси шу ҳикматга қаттиқ амал қилган ҳолда ишлаб, ғайрат отига қамчи босмоқда.

Колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мадаминжон Мараҳимов эрта тонгдан то кеч қоронғи тушгунга қадар дала кезади. Чигитни тез ва соз экиб олиш иштиёқида астойдил меҳнат қилаётганлар билан ҳамнафас. Уларга йўл-йўриклар кўрсатади, маслаҳатлар беради.

Хўжаликда ҳар куни 70—80 гектар майдонга барака уруғи қадалаётир.

Раис экиш сифатини кўздан кечириб юрар экан Йўлчивой Сиддиқов, Тўрабой Тўрсунбоев, Турдим Содиқов каби ишчан механизаторлар ҳамда Темир Маҳкамов, Жўман Жабборов, Уринбой Эргашев сингари моҳир сеялкачиларнинг ишларидан мамнун бўлди.

Колхоз меҳнат аҳли чигит экиш мавсумига пухта тайёргарлик билан келди. Далаларга деярли 10 минг тонна маҳаллий ўғит чиқарилди. 36 километр узунликдаги зовурлар тозаланди. 300 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. 70 гектар экинзор капитал планировка қилинди. 80 га якин механизаторнинг малакаси оширилди. Чигит экиш учун зарур бўлган барча агрегатлар, механизмлар сифатли ремонт қилинган эди.

Хўжаликда чигит экиш ишлари кун сайин авж олдирилмоқда. Саидаҳмад Охунов, Мелибой Султонов, Низомали Исомов бошчилик қилаётган бригадалар заршунослари ерга барака уруғи қадашни тугаллаш арафасида туришибди. Улар чигитни ернинг ўз намига ундириб олиш учун курашмоқдалар. Бу пешқадам коллективлар гектаридан 45 центнердан юқори сифатли пахта етиштиришга аҳд қилишган.

— Ўтган йилги ниҳоятда ноқулай келган об-ҳаво шароитида гектаридан 32,7 центнердан хирмон кўтарган эдик, — дейди колхоз раиси М. Мараҳимов,— Бу йил 700 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдик. Ана шунда кейинги тўрт йил ичида колхозимиз бўйича пахта ҳосилдорлиги қарийб икки баравар ошади.

Шу кунларда «Партия XXI съезди» колхози далаларида бўлган ҳар бир киши меҳнат кўтаринкилигининг гувоҳи бўлди. Ҳа, азаматлар улкан «оқ олтин» хирмонига шу кунларданоқ пухта замин тайёрламоқдалар.

Ю. ЗИЁДОВ.
Янгийўл райони.

ДОҒ ЮВИЛАДИ

Ҳамид Олимжон номли колхоз бундан тўрт йил муқаддам пахтачилик соҳасида райондаги энг ҳосилдор хўжаликлардан ҳисобланарди. 1974 йили колхоз пахтакорлари ҳар гектар майдондан 39,9 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариб, район хўжаликлари ўртасида пешқадамлик қилишган эди. Аммо, бу қувонч узоққа чўзилмади. Колхозда эришилган муваффақият мустаҳкамлаб қолинмади. Кейинги йилларда пахта ҳосилдорлиги камайиб кетди. 1975 йили колхозда ҳар гектар майдондан 38,2 центнердан, 1976 йилда 34,6 центнердан, 1977 йилда 33,6 центнердан пахта ҳосили етиштирилди. 1978 йилда эса ҳар гектар майдондан олинган ҳосил 24,5 центнерга тушиб қолди. Тўғри, зарбдор йилда хўжаликда пахта ҳосилдорлигининг бундай камайиб кетишига об-ҳавони ноқулай келгани салбий таъсир кўрсатди. Табиий қийинчиликлар натижасида 850 гектар майдонга қайта-қайта уруғ қадалди. Анчагина майдонларга июнь ойининг бошларида ҳам чигит экилди. Қайта экилган майдонлардаги экинлар етарли миқдорда ҳарорат ола олмагани натижасида ҳосилдорлик бир йил ичида 9,1 центнер камайиб кетди.

Бу ҳол колхозчиларни ташвишлантира бошлади. Йўл қўйилган хато — камчиликларни бартараф этиб, 1979 йилда 1210 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 32,3 ўрнига 35 центнердан «оқ олтин» хирмони бунёд этиш ва ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили план-топшириқларини ошириб бажаришга азму-қарор қилдилар.

Хўжалик пахтакорлари ана шу қолоқлик доғини ювиш, ҳосилдорликни ошириш учун қандай тадбирларни амалга оширмоқдалар?

Хўжаликда 1979 йил мўл ҳосилга замин яратиш ўтган йилнинг кузидан бошланди. Кўп йиллик ўт, ажриқ босган майдонлар аниқланиб, бундай майдонларга шудгорлашдан олдин гербицид солиб ҳайдалди. Карта ўртасидаги кўп йиллик кераксиз дарахтлар олиб ташланди. Ўватлар, йўлларни текислаш ҳисобига яна 3 гектар ер қўшилди. 1978 йилдаги йирик пахтачилик бригадалари ихчамлаштирилди. Ўтган йилги 9 бригада ўрнига бу йил 11 та бригада ташкил этилди. Бу бригадаларда 22 та комплекс меахнизациялашган звено бор.

Бригада бошлиқлари вазифасига пахтачиликда бой тажрибага эга бўлган, малакали кадрлар тайинланди.

Айни кунларда хўжаликда 1979 йил мўл ҳосилига тайёргарлик янада қизғин тус олмоқда.

Механизаторлар ерларнинг маҳсулдорлигини ошириш мақсадида далага 6000 тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқардилар. 1700 тонна компост тайёрладилар. Чигит экиш даврида 300 тонна селитра ишлатилди. Алмашлаб экиш ҳисобига бу йил 70 гектар майдонга барака уруғи экилди.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун кичик Жолоир участкасидаги зовур тозаланиб, кенгайтирилляпти. Бу иш амалга оширилгач, 1-, 9-, 10-бригада ерларининг заҳи қочирилади, ҳосилдорлиги ошади. Ҳозиргача колхоз бўйича 3500 кубо метр ариқ-зовурлар тартибга келтирилди. Бу йил «Тошкент-1» навининг иккинчи репродукцияли уруғлик чигити экилди.

Майдонлар экиш даврига-ча кафтдек текисланди. Ернинг иссиқлик ҳарорати 12—14 градус бўлганда 22 экиш агрегати билан 5—6 иш кунида барча майдонга барака уруғи қадаб бўлинди. Экиш билан бир қаторда ернинг маҳсулдорлигини ошириш учун азот, бегона ўтларга қарши гербицид солинди.

Ҳосил кўчатдан олинишини эътиборга олиб, ҳар гектар майдонда ер шароитига қараб 120—130 минг туп атрофида кўчат сақлаб қолинади. Дала ишларини юксак социалистик мажбуриятга яраша ташкил этиш мақсадида бригадалар, сувчилар, механизаторлар ўртасида ўзаро социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирилади. Мусобақа ғолиблари мунтазам равишда моддий-маънавий рағбатлантириб борилади.

Азамат колхозчилар олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун фойдаланилмаётган резервларни қидириб топиш ва ишга солиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Колхоз пахтакорлари, шубҳасиз, фидокорлик намуналарини кўрсатадилар ва ҳосилдорликни 35 центнерга етказадилар.

О. ТУРАҚУЛОВ.
Оққўрғон райони.

АГРОТЕХНИКА МУДДАТЛАРИДА

ЎНИНЧИ беш йилликнинг тўртинчи йилида аҳолига кўплаб сабзавот маҳсулотлари етказиб беришга аҳд қилган Калинин районидаги «Қорасув» совхози деҳқонлари кўкламги дала ишларини намунали олиб боришмоқда. Хўжалик миришкорлари районда биринчилар қатори сабзавот экишга киришган эдилар. Экиш ишлари тез ва соз олиб борилганлиги, энг муҳими механизациядан кенг фойдаланилганлиги туфайли бу иш қисқа муддатларда тугалланди.

Баҳорги дала ишларини намунали олиб боришда машҳур сабзавоткор Абдураҳим Шерматов бошлиқ бригада деҳқонлари бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Улар шу кунгача 14 гектар ерга эртаги карам, 10 гектар майдонга картошка, 4 гектар ерга бодринг экиб қўйишди.

Шунингдек, совхознинг Аъзам Азимов, Шавкат Нуриддинов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам дала ишлари сифатли ва қулай агротехника муддатларида ўтказилди.

Ҳозир совхоз далаларида сабзавот экинлари парвариши қизғин олиб борилмоқда. Кузда экилган 60 гектардаги август пиёзи, 7 гектардаги саримсоқ пиёз ўтдан тозаланди.

Совхознинг дала меҳнаткашлари бу йил ҳар гектар майдондан 300 центнердан сабзавот; 150 центнердан картошка ҳосили олиш учун курашмоқдалар. Улар зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун ўртаки ва кечки экиналарни энг қулай агротехника муддатларида экиш тадбирларини ҳам белгилаб қўйишган.

Н. ҚОДИРОВ.

ХХР ҲУКУМАТИГА НОТА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 17 апрель куни Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси Ван Юпинга қуйидаги нотани топширди:

«Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрлигининг 1979 йил 3 апрелда йўллаган нотаси муносабати билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ташқи ишлар министрлиги қуйидагиларни баён этиш ваколатини олди.

Хитой томонининг СССР билан ХХР ўртасида дўстлик, иттифоқ ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1950 йил 14 февралда имзоланган шартноманинг амал қилиш муҳлатини узайтирмаслик ҳақидаги қарорига Совет Иттифоқининг муносабати Совет ҳукуматининг шу йил 4 апрелдаги баёнотида маълум қилинган эди.

ХХР Ташқи ишлар министрлигининг нотасида ҳар икки мамлакат ўртасида музокаралар олиб бориш тўғрисида ўртага қўйилган масалага келганда, қуйидагиларни эслатиб ўтиш зарур: Совет Иттифоқи Хитой Халқ Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида мавжуд муносабатлардаги кескинликни умуман юмшатиш ва бу муносабатларни нормал ривожлантиришга ҳалақит бераётган ғовларни йўқотиш мақсадида музокаралар олиб бориш хусусида конкрет таклифларни бир неча бор илгари сурди. 1969 ва 1970 йилларда томонларнинг қуролли кучларни, шу жумладан ядро қуроли билан бир-бирига ҳужум қилмаслик мажбуриятларини давлатлараро махсус акт билан расмийлаштириш ҳақида, 1971 йилда куч ишлатмаслик хусусидаги шартномани имзолаш тўғрисида, 1973 йилда ҳужум қилмаслик ҳақидаги шартномани тузиш тўғрисида таклифлар илгари сурилган эди. Аммо Хитой томони бу таклифларни ҳар сафар рад этиб келди.

Совет Иттифоқи 1978 йилда янги ташаббус кўрсатди. СССР Олий Советининг Президиуми 1978 йил 24 февралда ХХР халқ вакиллари умумхитой мажлиси доимий комитетига мурожаат қилиб, бизнинг мамлакатларимиз СССР ва ХХР ўртасидаги ўзаро муносабатлар принциплари тўғрисида биргаликда баёнот берсин, деб таклиф этди. Ҳуқуқий тенглик, суверенитетни ва территориал бутунликни ўзаро ҳурмат қилиш, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик ва куч ишлатмаслик принципларини шу таклифлар қаторига киритиш таклиф этилди. Совет томони бундай баёнотнинг ўзаро мақбул текстини келишиб олиш учун ҳар икки мамлакат вакилларининг учрашувини ўтказишга тайёр эди.

Совет Иттифоқининг фикрича, СССР билан ХХР ўртасидаги ўзаро муносабатлар принциплари тўғрисида томонлар ишлаб чиқадиган ва қабул қиладиган ҳужжат Совет Иттифоқи билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатларни яхшилаш учун мақбул асосий негиз бўлур эди. Бу — совет ва хитой халқларининг туб манфаатларига, тинчлик ва халқаро хавфсизлик манфаатларига мос бўлиб тушган бўлур эди.

Хуллас, Совет Иттифоқининг мамлакатларимиз ўртасидаги музокараларнинг мавзуи ва мақсадларига қандай ёндашаётганлигини ҳамда совет томонининг конкрет таклифларини ХХР ҳукумати яхши билади. Гап шундаки, бу масалалар ҳар икки томонга аниқ-равшан бўлиши керак.

Совет томони Хитой томонининг юқорида баён этилган мулоҳазаларни эътиборга олиб, музокараларнинг мавзуи ва мақсадлари тўғрисида ўз фикрини хабар қилишини кутади. Шу хусусда келишиб олинганидан кейин музокараларни қай даражада ва қаерда ўтказиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш мумкин бўлур эди.

Москва, 1979 йил 17 апрель».

ХХР элчиси нотани ўз ҳукуматига дарҳол топширажагини билдирди.

(ТАСС).

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР



ҚОБУЛ. Бу ерда Совет китобларига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Афғонистон Демократик Республикаси пойтахтидаги бир қатор китоб магазинларида совет ёзувчиларининг кўплаб китобларини сотиб олиш мумкин. Суратда: шаҳарнинг совет китоблари уйи кўриниши.

В. Соболев фотоси. ТАСС фотохроникаси.

УГАНДАДАГИ АҲВОЛ

ЛОНДОН, 18 апрель. (ТАСС). Кампаладан олинаётган хабарларга кўра, Уганда миллий озодлик фронтининг кучлари Танзания бўлинмалари билан бирга мамлакатнинг муҳим саноат маркази Жинжу шаҳрини ишғол қилдилар. Бу шаҳар Уганда пойтахтидан 90 километр шарқда жойлашган. Бутун Угандани энергия билан таъминлаб турувчи Жинжу чеккасидаги катта гидроэлектростанция ҳам шу кучлар назоратига ўтди. Қуролли отрядлар И. Амин тарафдорларидан катта йўлни тозалаб бориб, Кения чегараси сари ҳаракатни давом эттирмоқдалар. Бу йўлдан Кения орқали мамлакатга зарур моллар, шу жумладан ёнилғи келиб турадй.

Кампалада янги «Уганда таймс» газетаси нашр этила бошланди.

Аввалги режим дипломатик миссияларининг ҳамма бошлиқлари чет эллардан чақириб олиниши эълон қилинди.

АФҒОН ХАЛҚИ БИЛАН БИРДАМЛИК

ДЕҲЛИ, 18 апрель. (ТАСС). Бу ерда Ҳиндистон жамоатчилигининг Афғонистон халқи билан бирдамлигига бағишланган оммавий митинг бўлиб ўтди.

Ҳиндистон коммунистик партияси миллий кенгашининг раиси Н. К. Кришнан митингда сўзга чиқиб, бундай деди: афғон халқи 1978 йилги Апрель революцияси ғалабасидан кейин ҳақиқий озодликка эришди. Мамлакатда прогрессив ислоҳотлар амалга оширилмоқда, бу ислоҳотларга мамлакат ичкарисидаги, шунингдек мамлакатдан ташқаридаги реакцион кучлар жон-жаҳдлари билан қаршилик кўрсатмоқдалар. Шу регионда миллий озодлик ҳаракатларини бостиришга уринаётган Америка империализми, шунингдек реакциянинг лекинлик экспанцияچи кучлар Афғонистон Демократик Республикасининг қонуний ҳукуматига қарши ҳуруж қилмоқдалар. Бутун Ҳиндистон халқи ўзининг афғон биродарлари томонида турибди ва «Афғонистондан қўлингни торт!» деб айтмоқда.

Афғон халқининг душманлари Пекин раҳбарлари ва империализм мадади билан ёш афғон республикасига қарши қўпорувчилик ишларини ҳамон давом эттирмоқда, деди ХКП миллий кенгаши марказий ижроия қўмитасининг аъзоси М. Форуқи. Марказий разведка бошқармаси ҳамда Пекиннинг маблағи билан қуролланган ва Хитойдаги махсус лагерларда таълим олган аксилинқилобчилар қўпорувчилик ва саботаж қилмоқдалар. Лекин афғон халқи албатта ғалаба қозонади, чунки барча тинчликсевар инсоният унинг тарафидадир.

Митинг иштирокчилари резолюция қабул қилиб, ғарбдаги ва Пекиндаги империалистик доираларнинг АДР ички ишларига аралашувини кескин қоралади.

ЭРОНДА ВАЗИЯТ МУРАККАБ

ТЕҲРОН, 18 апрель. (ТАСС). Ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олиш пайида бўлаётган ҳар хил сиёсий ва диний гуруҳларнинг қаттиқ қарама қаршилиги сабабли Эрондаги ички сиёсий аҳвол ниҳоятда мураккаб бўлиб турибди. Революцияга суйкалган муайян шоҳпараст унсурлар ҳозирги раҳбарларнинг демократик тенденциялари янада ривож топишига йўл қўймаслик пайида бўлмоқдалар. Революциянинг раҳбарлардан бири оятилло Телегонининг икки ўғли билан келини Фаластин Озодлик Ташкилоти ваколатхонаси биносидан чиқиб келаётганларида уларни «Ислом инқилоби посбонлари корпуси»га мансуб қуролли кишилар кўчада ушлаб олганларидан сўнг вазият бирдан кескинлашиб кетди. Уларни калтаклаб, Лавизандаги гарнизон турмасининг бир кишилик камераларига ташлашди. Бу ҳаракат биринчи навбатда демократик қарашда бўлган оятилло Талегонининг обрўсини тўкишга қаратилган бўлсада, аслида Эрон реакцион кучларининг ташаббуси билан қилинди. Шу ўз-бошимчаликдан норози бўлган Талегони ўз онласининг озод этилган аъзолари билан бирга пойтахтдан чиқиб кетди. Унинг қаерга борганлиги номаълум.

Бош министр М. Бозорговнинг муваққат ҳукумати «инқилоб ҳимоячилари» деб аталмиш кишиларнинг бу хатти-ҳаракатларидан четда эканлигини очиқ айтди ва Талегони фарзандларини қамашга тайёргарлик кўрилаётганлигини ҳукумат аъзоларидан ҳеч ким билмасди, деди.

«Ислом инқилоби посбонлари корпуси» ҳам Талегони фарзандлари қамоққа олинганлиги учун айбни баъзи «масъулиятсиз» кишилар гарданига юклашга урниб кўрди ва уларнинг бу хатти-ҳаракатларини қоралади. Ишни аниқлаш учун оятилло Хумайнининг ўғли Қум шаҳридан Теҳронга келди. Бутун мамлакатда демократияни ҳимоя қилувчи намойишлар бошланди. Руҳонийларнинг демократик қайфиятдаги вакиллари норозилик билдирмоқдалар.

Бутун кўпгина прогрессив ташкилотлар ва бошқа демократик ташкилотлар иштирокида катта оммавий намойиш ўтказиш мўлжалланган. Эронда Талегонини қўллаб-қувватловчи бу оммавий чиқишлар Эроннинг демократик кучлари ўнг кучларининг хатти-ҳаракатлари ва уларнинг диктаторлик қилиқларидан нажоннй равишда ташвишланганликларини билдиради.

«Иттилоат» газетасининг ҳабар беришича, Талегони «мамлакатга янги диктатура хатар солаётганлиги» сабабидан пойтахтдан чиқиб кетишга қарор қилдим, деган. У Теҳронда ўз позициясини қўллаб-қувватлаб ўтказилган намойишларда қатнашганларга ташаккур билдирди.

Ислом революцион кенгашнинг ихтиёрида бўлган «Ислом инқилоб комитетлари»нинг фаолияти учун масъул оятилло Махдави Кони бу комитетлар Теҳрон полицияси тартиб ва қонунларни сақлаш вазифасини адо эта оладиган бўлиши биланоқ тарқатиб юборилади, деди. «Пайғоме эмрўз» газетасининг ёзишича, миллий мудофаа министрининг ўринбосари Нажод ҳамма Ислом комитетларига казармалардан ва ҳарбий қисмлар ўрнашган жойлардан чиқиб кетиш тўғрисида кўрсатма берганлигини маълум қилди. Ҳозирги пайтда ҳарбий полиция ҳарбий объектларни ўзи муҳофаза қила олади, деб таъкидлади министр ўринбосари.

ПАРИЖ, 18 апрель. (ТАСС). «Юманите» газетаси Эронда ички сиёсий аҳвол кескинлашганлигини шарҳлаб, «Талегонининг фарзандлари қамалганлигига қарши норозилик кўлами энг реакцион доираларни жиддий равишда ташвишлантирганлигини, бу доиралар Эрон халқининг сиёсий ва социал ғалабаларини чеклашга интилаётганликларини» ёзади.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

НИКОЗИЯ. Сурияннинг миллий байрами — чет эл қўшинларини олиб чиқиб кетиш куни муносабати билан Кипр президенти С. Киприану Сурия Араб Республикаси президенти Ҳ. Асадга мактуб йўллади. У ўз мактубида араб халқларининг миллий мустақиллик йўлидаги адолатли курашини қўллаб-қувватлаётганлигини билдирди.

Кипр республикаси, дейилади мактубда, БМТнинг Яқин Шарқ тўғрисидаги тегишли резолюцияларини бажариш йўли билангина бу регионда мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш мумкин, деган фикрни доим қўллаб-қувватлаб келмоқда.

ҚУВАИТ. Абу-Дабидан олинган хабарларда айтилишича, араб валюта фонди Садат режимига қарши иқтисодий жазо чораларини амалга ошира бошлади. Араб мамлакатлари ташқи ишлар ва экономика министрларининг Бағдод конференциясида ана шу тадбирлар ишлаб чиқилган эди. Фонд директорлари правлениеси Мисрни ана шу араб мамлакатларираро ташкилот аъзолигидан чиқариш ҳақида қарор қабул қилди. Бу ташкилот иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини бажаришда ўз аъзоларига молиявий ёрдам беради.

ЖАКАРТА. Индонезия президентининг ўринбосари А. Малик Осиё ва Африка халқларининг бирдамлигининг муҳим саноат маркази Жинжу шаҳрини ишғол қилдилар. Бу шаҳар Уганда пойтахтидан 90 километр шарқда жойлашган. Бутун Угандани энергия билан таъминлаб турувчи Жинжу чеккасидаги катта гидроэлектростанция ҳам шу кучлар назоратига ўтди. Қуролли отрядлар И. Амин тарафдорларидан катта йўлни тозалаб бориб, Кения чегараси сари ҳаракатни давом эттирмоқдалар. Бу йўлдан Кения орқали мамлакатга зарур моллар, шу жумладан ёнилғи келиб турадй.

Кампалада янги «Уганда таймс» газетаси нашр этила бошланди.

Аввалги режим дипломатик миссияларининг ҳамма бошлиқлари чет эллардан чақириб олиниши эълон қилинди.

ТУНИС. Араб мамлакатлари ташқи ишлар ва экономика министрларининг қарорларига мувофиқ араб мамлакатлари иттифоқининг штаб-квартираси Қоҳирадан Тунисга кўчирилиши керак эди. Тунис пойтахтида штаб квартирани текшириш масаласи билан шуғулланувчи комитет ўз ишини ниҳоясига етказди. Комитет араб мамлакатлари иттифоқи штаб квартирасини Тунисга кўчириш шу йилнинг 26 майигача тугалланиши лозим, деб қарор қабул қилди. Араб мамлакатлари иттифоқи аппаратининг ходимлари шу вақт ичида Тунис пойтахтига келмаган тақдирда уларга истеъфо берилади.

(ТАСС, 19 апрель).

НАСАнинг ХАБАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 18 апрель. (ТАСС). Американинг 1973 йилда учирилган орбитал станцияси «Скайлэб» ер атмосферасининг юқори қатламларига тобора тезроқ яқинлашиб баландлигини йўқотишда давом этмоқда. Аэронавтика ва космик фазо тадқиқотлари миллий бошқармасининг (НАСА) хабар беришича, шу станция ҳаракат қилаётган орбита атмосферанинг сийрак юқори қатламларида оз бўлсада лекин доимий аэродинамик қаршилик таъсирида тобора пасайиб бормоқда. Олимларнинг ҳисобига кўра «Скайлэб» станцияси шу йилнинг тахминан 19 июнида орбитадан тушади ва атмосферанинг зич қатламларида тамомила ёниб битиши керак.

Ҳозирги вақтда «Скайлэб» станциясининг орбита баландлиги дастлабки 434—452 километрга нисбатан 318 километрга тушиб қолган. Шу станция ичида Америка астронавтларининг уч экипажи ишлаб қайтган. Бир вақтлар станцияни янада баландроқ орбитага чиқариш ва эҳтимолки, ундан фойдаланишни давом эттириш мақсадида станцияга уни баландлатадиган мотор олиб чиқариш режалари бор эди. Аммо «Скайлэб» станцияси ичидаги ускуналарнинг носозлиги сабабли, шу лойиҳадан воз кечишга тўғри келди.

1979 ЙИЛ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАР ЙИЛИ



Пойтахтимиздаги 172-болалар боғчаси тарбияланувчилари рус тилини катта қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Кичкинтойлар музика мураббийси раҳбарлигида бир неча қўшиқлар ўрганишмоқда. Суратда: болалар боғчасининг тарбияланувчилари.

Р. Альбеков фотосн.

НАФС БАНДАСИ

Фельетон

...Соат 12 га қараб кетган, Николай Данилович юрагига гул-гула туша бошлади. Ўтирган ўрнидан дик этиб турди. Икки қўлини «қайчи» қилиб, бош бармоқларини дам у томонга, дам бу томонга айлантириб, асабини босишга ҳаракат қилди.

Идора эшиги очилди-ю, Николай Даниловичнинг рангига қон югурди, кўзларидаги таранг ажинлар бўшашди. У сир бой бермай, қисқа йўталиб, «келдингми, ука, қани ўтир» деб, ўрта бўйли, мўйлаблари ўзига ярашган йигитга жой кўрсатди.

— Авазжон, ука, ростини айтсам сенинг кечикканлигинг мени ташвишга солаётган эди. Ахир ўйлаб кўргин-а, сен доимо олиб келадиган эрталабки «насиба» менинг кайфиятимни кун бўйи чоғ этади,— дея хиринглаб кула бошлади. Кейин Николай Данилович бирдан жиддий тортди ва йигитга қараб «Қани қўлингдагини мана бу ерга яъни календарь тахтачасининг тагига қўй, ҳа, айтгандек, канча у, деди ва қоғозга ўралган тугунчага ишора қилди.

— Ҳар галгидек 300 сўм,— деди «Энергостройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли ишчилар таъминотининг Ғазалкент шаҳридаги 3-магазин мудири Аваз Норматов эшикдан чиқар экан.

— Оббо ҳумпар-ей, икки йилдан бери мана шу суммани оширгиларинг келмайди. Намунча зиқна бўлмасаларинг!..

Йигит чиқиб кетди. Николай Данилович илгариги одатига кўра, аввал узоқдан тугунчага назар ташлади, сўнг тешиқларни айланиб келди. Ҳеч қандай шубҳа йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, календарь тагидаги қоғозга ўралган пулни олиб, ердан топиб олсанг ҳам санаб ол, деган мақолга амал қилиб, санай бошлади.

Шу пайт унга «рухсат этинг» деган овоз эшитилди. Чўчиб, орқасига ўгирилди. Унинг қаршисида Бўстонлиқ район ички ишлар бўлими бошлиғи Ўктам Нурматов, оператив группа ходими Бахтиёр Абдураҳмонов, область ички ишлар бўлими ОБХСС бошлиғи, милиция майори К. Мирзоҳидовлар турарди.

«Энергостройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли ишчилар таъминоти бўлими бошлиғи Николай Данилович Цойнинг порахўрлик «касби» ана шундай вазиятда фош этилди...

1972 йилдан бери ана шу савдо ташкилотига бошчилик қилиб келган Н. Д. Цой мансабидан фойдаланиб, сурункасига порахўрлик билан шуғулланиб келган, десак янглишмаймиз. Лекин, у ҳар гал кимларнингдир ёрдами билан суқдан қуруқ чиқиб келган. 1972 йили ана шу савдо ташкилотидагилардан 25 нафари бир сафар пул, бир сафар озиқ-овқат ва бошқа саноат молларини насияга олиб кетаётган ва бош бухгалтер билан тил бириктириб молиявий хатоликларга йўл қўйиб келаётган Н. Д. Цойни тегишли органларга маълум қилишган эди. Аммо...

Қаранг-ки, порахўр бошлиқ шундай «ишбилармон» эканки, текширувчиларни чалкаштириб, 25 кишини қип-қизил ёлғончига чиқариб қўйди. Ана шундан сўнг Н. Д. Цой порахўрлик «фаолияти»ни янада авж олдирди. У ҳар бир магазин, ошхона мудирига пора планини белгилаб қўйди. Яъни ҳар бир ой охирида мудирлар 250—300 сўм атрофида Тошкент шаҳридаги Комсомол 40 йиллиги кўчаси, 39а уйга (бу ерда Н. Д. Цойнинг иш кабинети жойлашган эди) етказишлари ёхуд бошлиқнинг ўзи Ғазалкентга қадам ранжида қилганида шахсан топшириштари лозим эди.

Бора-бора бу ҳам Н. Д. Цойга камлик қилди. У ҳар бир ҳаракатини пулга чақиш мақсадида пухта режа тузди. Энди пулни кечиктирган ёки бермаган мудир бир йилдан ортиқ ишламайдиган бўлди. Бунинг учун Цой мана шундай тузоқни ўйлаб топди: ойнинг охирроғида мудирдан бир минг, икки мингни уч-тўрт кун Алексеевна Донец эса қайта ўз ишига жойлашиш учун 500 сўмга «эриди». Туппа-тузук меҳнат қилиб келаётган шофер Алексей Николаевич Карагачев бошлиққа 1000 сўм топиб бераолмаганлиги учун ишдан ҳайдалди. 1-озиқ-овқат магазини сотувчилари Тамара Павловна Маршак билан Валентина Ивановна Сисолятиналар ҳар ойда 60 сўмдан «ушур» чиқармасалар, бошлиқнинг ғазабига учрайдиган бўлишди.

Кунлардан бир кун Николай Данилович мудирларни йиғиб дангал гап қотди:

— Сезишимча айрим ўртоқлар «чўтал» чиқаришни унутиб қўйишаётганга ўхшайдилар. Шуни очиқ айтмоқчиманки, норози ўртоқларга йўл очиқ, ушлаб турмаймиз. Лекин, кетадиганларнинг ҳам иши осонлиқча битмайди. Уларнинг меҳнат дафтарчаси раво қилинади. Чунки, мен нима хоҳласам шу бўлади. Эсингларда-ми, мени қуритаман деб ёзганларнинг ўзлари қуриб кетди...

Бошлиқнинг очиқдан-очиқ дангал гапини эшитган мудирлар-у сотувчилар, ошпазлар-у хизматчилар саросимага тушиб қолишди. Таваккал қилиб ишдан бўшашга ариза ёзган ошпаз Жўра Тўраев характеристика олиши учун Н. Д. Цойга 500 сўм пул топиб бера олмай охири ундан воз кечди. Бу нарсадан аёнки, бошлиқ бир сўзли экан.

У боплаганда хўжалик моллари магазини мудири Гарри Вернович Гуррни боплади. Дастлаб ундан 250 сўм турадиган «Весна» магнитофонини уч-тўрт кун қўйиб юраман, деб ўзлаштирди. Яна бир айланиб келиб, «Мадонна» аталмиш япон сервисини (219 сўм 80 тийинлик) машинасига солиб кетди. Қарасаки, мудирта шампанское, 10 та пачка плиткали шоколадни орттирди. Бу ҳам камлик қилганидек, магазин мудирини қидиртирди. Мудир бечора бошлиғимиз яна ўлпон нарса сўрайди деб ўйлаб, ишламайдиган холодильник ичига беркиниб олган эди.

— Тополмадик,— деди мудирни излаган сотувчилардан бири қалтироқ овозда «хўжайин»нинг кўзига ўрга боқиб.

— Бу қанақаси,— деди Н. Д. Цой ўшқириб,— иш вақтида нега жойида ўтирмайди... Умуман сизларда меҳнат интизоми бўшашиб кетибди. Айтинг унга, менинг олдимга тушиб борсин.

Бошлиқ кетган, мудир бекинган жойидан чиқди ва нима гап бўлганини эшитиб, «Жонга тегди-ку, бу порахўрнинг қилмишлари» деди ва у билан сўнггги учрашувга тайёргарлик кўра бошлади.

...Шундай қилиб Николай Данилович «сўнгги» учрашувда қўлга тушди. Ҳа, қилмишқидирмиш. Энди порахўр Н. Д. Цой қонун олдида жавоб беради.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. У ҳам бўлса ана шу порахўрнинг жиғилдонига «емиш» ташлаб турадиганлар ҳақида икки оғиз сўз. Улар нима учун бошлиққа пора беришга жазм этишган?! Қаранг, фақат Аваз Норматов ўтган йили бир эмас, икки эмас, 9 марта «чўтал» пулини Н. Д. Цойга элтиб берган. Ахир у бошлиқнинг порахўрлик сирини биринчи ёки иккинчи мартабасида фош этиши мумкин эди-ку. Индамас мудир Гуррни олайлик. Бошлиқ унинг кўзўнгида бутун хўжалик моллари магазинини ўмариб кетай деяпти-ку, кўзини лўқ қилиб ўтираверди.

Хуллас, бошлиққа «хотамтойлик» қилган ходимларнинг бу ҳатти-ҳаракатлари бежиз эмас. Ахир, бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур!..

Ҳ. ҚОДИРОВ,
Бўстонлиқ район прокурори.

Ф. НУРМАТОВ,
Бўстонлиқ район «Коммунизм учун» газетасининг редакторн.

Р. УМАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати» газетаси махсус мухбири.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

«ШОДЛИК» МИКРОРАЙОНИДА

ЮНУСОБОД массивининг қиёфаси йил сайин кўркамлашиб, муҳташам бинолар, кенг кўчалар, янги хиёбонлар вужудга келяпти. Массивдаги янги «Шодлик» микрорайонида қатор бинолар қад ростлаяпти. Бу ерда турли архитектура лойиҳалари асосида 20 дан ортиқ турар жой ва маданий-маиший бино саф тортади. Дастлабки уйларда эса ҳовли тўйлари бўлиб ўтди.

72 квартирали турар жой биносини Тошкент уй-жой қурилиш трестига қарашли 40-бошқарма бунёдкорлари муддатидан илгари қуриб бўлдилар. Йил охиригача «Шодлик» микрорайони яна минглаб одамлар шодлигига шерик бўлади.

ЯНГИ ЕТОҚХОНА

КИРОВ район Бошқирд кўчасида тўрт қаватли бинопардоздан сўнг савлат тўкиб, кишилар диққатини ўзига торта бошлади. Бу 400 ўринли ётоқхона «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчиларига тортиқ этилди.

Бинони тез ва сифатли пардоздан чиқаришда 35-қурилиш бошқармасининг Сулаймон Ниёзов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси жонбозлик кўрсатди.

Бино аъло баҳога қабул қилинди.

БОҒЛАР БОЛАЛАР ЙИЛИДА

ШАҲРИМИЗдаги ҳамма истироҳат боғлари болаларнинг янада кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун мавсумга пухта тайёрланмоқда. М. Горький номли болалар истироҳат боғида эса бир қанча ибратли тадбирлар амалга оширилди. Илгари 16 минг туп гул, чинор, яшил тўсиқ экилган эди. Шу кунларда эса, ўриндиқлар атрофига 11 минг дона мавсумий турфа гуллар экилди. Болаларнинг спорт майдончалари ва турли аттракционлар, арғимчоқлар тайёрланди.

Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғида ҳам Болалар йилининг намунали ўтиши учун талайгина ишлар қилинди. 300 туп атиргул, 40 минг дона турли мавсумий гуллар экилди. 16 та аттракцион болалар хизматида бўлади. Болалар майдончаси кенгайтирилди. Болалар темир йўл станциясида поездлар қатновни яхшиланди.

С. СУЛТОНОВ.

ОҚ ХАЛАТЛИ ДЕПУТАТ

Собир Алимов Тошкент район марказий касалхонасининг тажрибали врачларидан ҳисобланади. Унинг қўлида кўплаб беморлар шифо топишган. Шу билан бирга уни жамоатчилиги ва активлиги учун ҳам ҳурмат қилишади. Сабаби Собир ака саккиз йилдан буён Карл Маркс номли қишлоқ Советининг депутати сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шифокор депутат Ленин номли колхоз территориясида жойлашган терапия бўлимининг бош врачи. У даволаш-профилактика ишларни янада яхшилаш, ўринлар сонини кўпайтириш учун жон қуйдирмоқда. Шунингдек, қишлоқ совети территориясини обдонлаштириш, хонадонларни водопровод сувн ва газ билан таъминлашга ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Зиммасидаги наказларни ўз вақтида бажараётган оқ халатли депутатдан кўпчилик бениҳоя ҳурсанд.

Т. ДУСОНОВ.

ҲАМЗАГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент область Давлат педагогика институти филология факультетининг студентлари ўзбек совет адабиётининг асосчиси, отаман революционер шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий кеча ўтказдилар.

Институт ректори, профессор Салима Аскарова кириш сўзи билан кечани очди. Шундан сўнг филология факультетининг декани, доцент Аҳмад Абдуллаев Ҳамзанинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида доклад қилди.

Кечанинг бадиий қисми ҳам жуда қизиқарли ўтди. Студентлар Ҳамза қаламига мансуб «Майсаранинг иши», «Заҳарли ҳаёт», «Бой ила ихзматчи» драмаларидан парчалар кўрсатдилар, Комил Яшиннинг «Ҳамза» асарини саҳнага қўйдилар. Шоир шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар ижро этилди.

А. АБДУЛЛАЕВ,
Қ. АДИНАЕВ.

Ҳар йили Тошкентда мамлакатимизнинг энг кучли теннисчилари иштирокида баҳорги турнир мусобақалари ўтказиш одат бўлиб қолган. Мамлакат чемпионлари, халқаро мусобақаларнинг совриндорлари турнир давомида ёш теннисчиларга маҳоратларини ўргатадилар. Суратда: тошкентлик ёшлар халқаро классдаги спорт мастери бокулик Е. Бирюкова билан.

А. Рисқиев фотосн.

Спорт

УРТОҚЛИК ЎЙИНЛАРИ

«Пахтакор» футболчилари чемпионат ўйинларидаги қисқа муддатли танаффусдан фойдаланиб, СССРнинг иккинчи терма командаси билан ўртоқлик учрашувини ўтказдилар.

Ўйин 3:2 ҳисобида «Пахтакор» фойдасига тугади. Биринчи бўлиб мамлакат терма командаси дарбозасига Тўлаган Исоқовнинг устидан ошириб киритган тўпи мухлисларни ҳайратга солди. Улар жуда чиройли голни узоқ олқишлашди. Кейинчалик Клементьев ва Латиш иккита тўп киритиб терма командани олдинга олиб чиқишди. Футболчиларимиз 1:2 ҳисобида ютқазиб турган бўлишларига қарамай ўйиннинг иккинчи ярмида тошкентликлар устози майдонга Р. Агишев, Ш. Эшбўтаев, А. Шарипов, Ю. Басов сингари ёшларни туширди. Аввалига Владимир Макаров ҳисобни тенглаштирди. Сўнгра эса Владимир Фёдоров ғалаба тўпини киритди.

Кеча Тбилиси шаҳрида СССР биринчи терма командаси билан Швеция футболчилари ўртасида халқаро ўртоқлик учрашуви бўлди. Бунда мамлакат терма командаси сафида пахтакорчи Михаил Ан ҳам иштирок этди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ПОЙГАЧИЛАРИ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети соврини учун баҳорги XXV кўп кунлик велосипед пойгаси ниҳоясига етди. Тошкент — Наманган—Тошкент йўллари бўйлаб 1130 километр масофада мусобақалашган пойгачилар ўтган куни «Пахтакор» стадионида финиш чизиғини босиб ўтдилар.

Бутун пойга давомида Тошкент области командаси пешқадамлик қилди. Ангрен—Тошкент оралиғидаги 116 километрлик сўнгги босқичда маррага биринчи бўлиб жиззахлик В. Трубин етиб келди. У масофани 2 соат 53 минут 55 секундда босиб ўтди. Сирдарёлик А. Дикусар ва Тошкент области вакили Юрий Купцовлар иккинчи учинчи ўринларни эгаллашди.

1130 километрлик масофани 77 соат 49 минут 40 секундда босиб ўтган Тошкент область велопойгачилари Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг совринини қўлга киритишди. Қирғизистон вакиллари иккинчи, Қорақалпоғистон спортчилари учинчи бўлишди.

Шахсий ҳисобда конкурсдан ташқари қатнашган қирғизистонлик С. Калеев биринчи бўлди. Ўзбекистон чемпиони унвонига эса Тошкент области вакили, спорт мастери Евгений Посмитний сазовор бўлди.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

СПАРТАКИАДА ОДИМЛАРИ

Ўзбекистон XVIII спартакиадаси мусобақалари тобора қизимоқда. Фарғонада волейбол бўйича эркаклар ўртасида ўтказилаётган мусобақаларда энг кучли уч команда маълум бўлди. Финалда Тошкент шаҳар, Самарқанд ва Фарғона волейболчилари ғолиблик учун баҳс юритадилар.

Бухорода спартакиада программасида классик кураш бўйича мусобақалар старт олди. Кеча эса пойтахтимиздаги «Ёшлик» спорт аренасида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети соврини учун навбатдаги XVI Бутуниттифоқ турнири бошланди. «Динамо» стадионида теннисчилар мусобақаларн старт олди.

Якунланган 9 тур бўйича 1357 очко тўплаган Тошкент области командаси спартакиадада пешқадамлик қилмоқда. Кўнгилли спорт жамиятлари вакиллари ўртасида эса «Меҳнат» биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИДАГИ
18-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—1980 ўқув йилига
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

озиқ-овқат саноатининг технологик жиҳозларини созловчилар, токарлар, мебель усталари, саноат жиҳозларини ремонт қилувчи слесарлар, автомобилларни ремонт қилувчи слесарлар, электромонтажчилар, дурадгорлар.

Ўқиш муддати — 1—2—3 йил.

3 ЯИЛЛИК ГРУППАГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЎҚУВЧИЛАР МУТАХАССИСЛИК БИЛАН БИРГА ЎРТА МАЪЛУМОТ ҲАМ ОЛАДИЛАР.

Қабул қилинган ўқувчилар бепул 3 маҳал овқат, кийим-бош ва бошқа жойдан келган ўқувчилар ётоқ билан таъминланадилар.

Билим юртига 8, 9, 10 синфни битирган 15—17 ёшдаги йигит-қизлар ва ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар қабул қилинади.

Билим юртида бокс, кураш, футбол, баскетбол ва бошқа спорт секциялари ишлайди.

Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 та фотосурат, характеристика, 286-формадаги медицина справкаси, ота-онасининг иш жойидан справка.

Мурожаат учун адрес: Янгийўл шаҳри, Туркманбоғи. Телефон: 53-75.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
Ф. ХУЖАЕВ НОМЛИ 1-ТОШКЕНТ ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ БАЗАСИДАГИ
143-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—1980 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ: пойафзалнинг юза қисмини бичувчи, пойафзалнинг юза қисмини тайёрловчи, пойафзал тикувчи, ремонтчи-слесарь, тайёр пойафзални қабул қилиш бўйича контролер. Ўқиш муддати — 2 йил; аёллар сумкасини тикувчи, фрезерчи. Ўқиш муддати — 1 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар ва ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида иш ҳақининг 50 проценти билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МАДАНИЙ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШЛАРИ УЧУН ПОЙАФЗАЛЧИЛАР САРОЙИДА ҲАР ХИЛ БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК ТУГАРАКЛАРИ, СПОРТ БАЗАСИ ИШЛАБ ТУРИБДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан ва ота-онасининг иш жойидан справкалар, ўқиш жойидан характеристика, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат.

Қабул комиссияси соат 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (84, 103, 122, 131-автобуслар, 2, 6, 14-троллейбусларнинг «1-Пойафзал фабрикаси» бекати).

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун. 10.50 — Афсона шундай бошланди. Бадиий фильм. 11.55 — Симфоник поэма. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Бутуниттифоқ коммунистик шанбаликка бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси. 15.40 — Шахмат мактаби. 16.10 — Москва ва москваликлар. 16.40 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 17.10 — Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. 19.00 — Дунё воқеалари. 19.25 — Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг симфоник оркестри ижросида совет композиторларининг асарларидан концерт. 19.55 — В. И. Ленин туғилган кунининг 109 йиллигига бағишланган тантанали мажлис. Концерт. Танаффус пайтида «Вақт». Кўрсатув тугагач хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. Танаффус пайтида янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Республика қўғирчоқ театрининг спектакли. 12.45 — Гулька. Бадиий фильм. 13.10 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 13.40 — Концерт. 18.00 — Ёшлик. 18,30 — Ахборот. 18.45 — Концерт. 19,35 — Ахборот. 19.55 — Москва. В. И. Ленин туғилган кунининг 109 йиллигига бағишланган тантанали мажлис. Концерт. Танаффус пайтида «Вақт». Кўрсатув тугагач хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. Танаффус пайтида Янгиликлар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00—Болалар учун фильм. 20.30 — Пойтахт области чорвадорлари ҳузурида. 21.00 — Янгиликлар. 21.20 — Москва вақти билан. Бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/IV да Анна Каренина, 21/IV да Концерт.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/IV да Шаҳзода ва етим қиз, 21/IV да Паранжи сирлари.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги программа, катта цирк томошалари (20/IV да 19.30, 21/IV да 13.00, 16.00, 19.30).

ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР — ОМОНАТ КАССАЛАРИГА 73-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1979 йил 8 апрелда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди.

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ҲАММА ОМОНАТ КАССАЛАРИДА САҚЛАНГАН ОМОНАТ СЧЕТЛАРИНИНГ ҚУЙИДАГИ НОМЕРЛАРИГА ЮТУҚЛАР ЧИҚДИ:

Счёт номерлари	Ютуқ миқдори Ўртача омонат суммасига процент билан	Счёт номерлари	Ютуқ миқдори Ўртача омонат суммасига процент билан
А- 10	25	А-553	25
А- 60	25	А-588	25
А- 82	25	А-639	25
А-148	25	А-654	25
А-176	200	А-703	25
А-221	50	А-730	25
А-256	100	А-762	25
А-288	25	А-819	50
А-336	25	А-877	25
А-394	25	А-910	100
А-432	25	А-941	25
А-472	25	А-993	25
А-506	25		

Счётларнинг сони 1000 дан ошган омонат кассаларида биринчи мингда қайси номерлар ютган бўлса, қолган мингларда ҳам шу номерлар ютгандир. Масалан: счёт №№ А-1010, А-2010, А-3010 ва ҳоказо, А-1060, А-2060, А-3060 ва ҳоказо.

Тираж комиссиясининг раиси — халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Ю. С. ПЕТРОСОВ.

Давлат меҳнат омонат кассалари Самарқанд область бошқармасининг катта экономисти М. И. КОРНИЛОВА.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент,—П, ЛЕНИН кўчаси, 41. | Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 07208. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри Индекс 64633. Е—2377.